



Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

2022-yil 31-may, seshanba,
62 (23.629)-son

**КУН
ҲИКМАТИ**

Ғамдаги
кишига
ачинувчилар
кўп топилади,
аммо ғамдош
кўп бўлмайди

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz



https://www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews_uz



https://twitter.com/zarnews_uz

➡ 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни



Веломарафон: СТАРТДА БОЛАЛАР

Самарқанд шаҳрида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан мактабгача ёшдаги болалар ўртасида иккинчи веломарафон ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Спортни ривожлантириш вазирлиги, велоспорт федерацияси ҳамда вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Самарқанддаги мактабгача таълим ташкилотларининг 120 нафар 6 ёшли тарбияланувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси, Ўзбекистон велоспорт федерацияси раиси Т.Норбоева, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори вази фасини бажарувчи Ханс-Ульрих Им ўтган йил илк бор Тошкент шаҳрида, бу йил Самарқандда ўтказилаётган мазкур тадбир фарзандларимизни ёшлигидан спорт билан шуғулланишга даъват этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қилишини таъкидлади. Шунинг

учун ҳам келгуси йилдан бу марафонни юртимизнинг маълум қилишича, 2021 йилда мактабгача таълим тизимида экологик таълим-тарбия ҳамда болалар учун беговел ҳайдаш методикасини жорий этиш бўйича лойиҳа ишга туширилди. Бунинг учун 13 та таянч давлат мактабгача таълим ташкилоти 400 та беговел билан таъминланди. Жорий йилда эса лойиҳа доирасида 20 та давлат мактабгача таълим ташкилотига 500 та беговел тақдим этилди. Жумладан, Самарқанддаги бир қатор мактабгача таълим ташкилотлари ҳам мазкур лойиҳага қўшилди. Беговелларнинг асосий устун жиҳати шундаки, унда кичик ёшдаги болалар мувозанатни ушлашни қийинчиликсиз ўрганишади ва бу уларга келажакда оддий велосипедга ўтиш жараёнини осонлаштиради.

– Яқинда бизнинг муасасамизга ҳам 25 донга беговел беришганда, дастлаб болаларимиз, ҳатто ўзимиз ҳам ажабландик, – дейди Самарқанд шаҳридаги 36-давлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбари Дилфуза Қутлиева. – Педальсиз велосипедни тарбияланувчилар қандай бошқаради, деб ҳайрон бўлгандик. Кейин ушбу воситанинг қандай афзалликлари борлиги билан қизиқиб билиб олдикки, беговел боланинг мувозанатни ушлашига, соғлом ва жисмоний бақувват бўлишига, кейинчалик велосипедни қийналмай бошқариб кетишига ёрдам бераркан. Ҳозир тарбияланувчиларимиз ундан фойдаланишни яхши ўрганиб олишди. Улар бугунги марафонда ҳам фаол қатнашди.

Веломарафонда иштирок этган болалар эсдалик медаллари, совғалар билан тақдирландилар, шунингдек, улар учун кўнгличар дастур ташкил этилди.

Тадбир доирасида Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан вилоят велоспорт федерациясига 2 та "Дамас" автомашинаси, 40 та замонавий велосипед берилди.

➡ Бизнинг суҳбат

ЁШЛАР эркин фикрлаши керак

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган 4 ойида вилоятимизда қайд этилган 2242 та жиноятнинг 508 таси 661 нафар ёш томонидан содир қилинган. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 61,8 фоизга ёки 194 тага ортган.

Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи Хусан Тўхтаев билан суҳбатимиз ушбу рақамлар, бу ҳолатнинг сабаби, оқибатлари, ечимлари ҳақида бўлди.

– Хусан ака, таҳлиллар вилоятда содир этилган ҳар тўртинчи жиноятда ёшларнинг қўли борлигини кўрсатмоқда. Самарқанд ёшларининг етакчиси сифатида бунинг қандай изоҳлайсиз?

– Албатта, бу жуда ёмон кўрсаткич. Лекин у бугунги ёки келгуси муаммо эмас. Ёшлар ўртасида жиноятчилик йиллар давомида ортиб келмоқда ва бунга турли омиллар сабаб бўлмоқда. Мисол учун, ёшларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги бугунги

талабга жавоб бермайди. Қонунни бузаётганларнинг аксарияти ҳаракатининг оқибатини ўйлаб ҳам кўрмаган, бунинг учун қонунчилигимизда қандай жазо чораси белгиланганлигини билмайди. Бунга кузатуларим давомида кўп амин бўлганман.



(Давоми 2-саҳифада) ➡ ➡

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 16 мартдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори асосида жорий йилнинг май ойида юртимизда фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) сайловини ўтказиш белгиланган эди.

Шундан келиб чиқиб, 2022 йил 28 мартда халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг "Вилоятда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни юқори даражада ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Қарор асосида вилоятда сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссия тузилди, тадбирлар режаси тасдиқланди.

Ўз навбатида, туман ва шаҳарларда ҳам маҳаллий кенгашлар қарорлари билан кўмаклашувчи комиссиялар тузилди, амалга оширилаётган ишлар дастури белгиланганлиги олинди.

Икки ой давомида амалдаги қонунчиликка мувофиқ, сайловга тайёргарлик кўрилди. Маҳалларда ишчи гуруҳлар тузилиб, раисликка номзодлар кўрсатиш, вакиллар йиғилишларида қатнашадиган сайловчиларни аниқлаш, сайлов ўтказиладиган жойларни танлаш ва бошқа шу каби ташкилий ишлар бажарилди. Бу жара

БАРЧА МАҲАЛЛАЛАРДА РАИС САЙЛАНДИ



ёнда кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлар аъзолари учун бир неча бор семинарлар ташкил этилди. Туман ва шаҳар ҳокимлари, сектор раҳбарлари томонидан раисликка номзодлар ўрганилди, суҳбатлар ўтказилди.

Вилоят, шаҳар ва туманлар кўмаклашувчи комиссия аъзолари ҳамда вилоятнинг 1126 та маҳалласида тузилган ишчи гуруҳлар томонидан маҳалла раислигига қўйиладиган талаблар асосида маҳаллада доимий яшовчи фуқароларнинг фикрлари инobatга олинган ҳолда, маҳаллада қаида беш йилдан буён доимий яшаб

келаётган, ташкилотчилик қобилиятига, иш ва ҳаётий тажрибага, аҳоли ўртасида обрў-эътиборига эга 2 нафардан 4 нафаргача жами 4302 нафар фуқаро номзоди кўрсатилди. Улар орасидан 2700 нафарга яқин номзод сараланди ва аҳоли 1126 нафар номзодни ўзларига етакчи қилиб сайлади. Сайлов жараёнида жами 234 минг нафар фуқаро овоз беришда иштирок этди.

Сайланган маҳалла раисларининг 354 нафари (31 фоизи)ни илгари ушбу вазифада ишлаганлар, 772 нафари (69 фоизи)ни илк бор оқсоқолликка муносиб қўрилган-

лар ташкил этди.

Ёш бўйича таҳлилга кўра, раисларнинг 9 нафари 30 ёшгача, 210 нафари 30-40 ёшли, 316 нафари 40-50 ёшли, 465 нафари 50-60 ёшли, 126 нафари 60 ёшдан юқори ҳисобланади. Раисларнинг 1087 нафарини олий маълумотлилар, 39 нафарини ўрта-маҳсус маълумотга эга шахслар ташкил этди.

Сайланган раислар мутахассислиги бўйича 307 нафари ўқитувчи, 270 нафари иқтисодчи, 89 нафари агроном, 71 нафари ҳуқуқшунос, 17 нафари шифокор ва 372 нафари бошқа касб эгалари ҳисобланади. 17 нафар раис бир вақтнинг ўзига маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамдир. Эътиборлиси, 97 нафар аёлга маҳалла раислиги ишониб топширилди.

Сайлов жараёнида келиб тушган 113 та мурожаатнинг 97 тасига жавоб берилди ва қолган 16 таси айна пайтда кўриб чиқилмоқда.

Исроил ЖАББОРОВ, вилоят маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи, вилоятда сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссия раиси ўринбосари.

Депутатлар беллашди



Олий Мажлис Сенати раиси кубоги учун "Спортни сев, спорт билан яш" шиори остида "Парламент ўйинлари" спорт мусобақаларининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларидан 200 нафарга яқин депутат спортнинг стол тенниси, мини-футбол, волейбол ва бадмин-

тон турлари бўйича баҳслашди.

– Кейинги пайтда аҳолини оммавий спортга кенг жалб этиш ишлари тизими равишда олиб бориляпти, – дейди Булунгур тумани Кенгаши депутати Шароф Маматкулов.

– Бундай турнирларни ташкил қилиш нафақат соғлом турмуш тарзини шакллантиришда, балки жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулла-

нишда қўл келади. Ўтган йил мазкур мусобақанинг мини-футбол бўйича республика босқичида учинчи ўринни олгандик, бу йил ҳам республика йўлланмасини кўлга киритдик. Энди республика босқичида ғолиблик учун курашамиз.

Мусобақада вилоят босқичида ғолиб бўлган жамоалар ва яқкалик баҳсда устунликка эришган иштирокчилар республика босқичига йўлланма олди.



Нурли қалблар бирлашди

Мен Пайариқ туманининг Челақ шаҳри яқинидаги Аювчи қишлоғида яшайман. Эсимни таниганимдан бери шаҳарчамизда фестивал ўтказилмаган. 27 май кунги "Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!" шиори остидаги тадбир Челақ ва унинг атрофида яшовчи аҳоли учун унутилмас бўлди.

Кун давомида Челақ шаҳридаги Ёшлар истироҳат боғида турли танловлар, кўргазмалар, маданий дастурлар ва спорт мусобақалари ўтказилди.

Кечки пайт 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг футбол ўйингоҳида фестивалнинг якуний гала-концерти ташкил этилди. Унда ўн минглаб ёшлар байрамона кайфият билан бирлашди. Тадбирда вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов иштирок этиб, ёшларни табриклагани, совғалар топширгани йиғилганларни нияоятда хурсанд қилди. Таниқли санъаткорлар ижро этган куй-қўшиқлар фестивалга фойз киритди.

Кун давомида гоҳ қуёш чиқиб, гоҳ осмонни булут қоплаб, баъзан ёмғир ҳам ёғиб турди. Аммо ҳар қандай об-ҳавода пайариқлик ёшлар нафақат юксак уюшқоқлик ва тартиб-интизом, ўз маҳоратларини ҳам иштиёқ билан намойиш этдилар.

Динора ҲАМИДОВА.

Самарқанд туманида 70 минг долларга ер сотаётган шахс ушланди

Давлат хавфсизлик хизмати вилоят бошқармаси ҳамда вилоят ИИБ ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбир давомида ер сотишнинг олди олинди.

Самарқанд туманида яшовчи,

вақтинча ишсиз Х.С. мазкур тумандаги маҳаллий фуқаронинг номига расмийлаштирилган, иссиқхона қуриш учун ажратилган 50 сотих ер майдонининг 5 сотихини бошқа бир фуқаронинг номига трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарув-

чи фабрика қуриш учун расмийлаштириб беришни ваъда қилган.

Бунинг эвазига ундан 100 минг АҚШ доллари талаб қилиб, сўралган пулнинг 70 минг АҚШ долларини олаётган вақтида жиноят устида қўлга олинди.

